

## МУАЛЛИФ ШАХСИЯТИ ВА ИЖОДИЙ ЛАБОРАТОРИЯ УЙҒУНЛИГИ

**Нилуфар Асатуллаевна Дилмуродова**

Тошкент молия институти доценти

[nilu.01@mail.ru](mailto:nilu.01@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада анъанавий ва ноанъанавий усулда ёзилган ҳикоя, қисса ва романлар муаллифи ёзувчи Асад Дилмуроднинг ҳаёт йўли, шахсияти ва ижодий лабораторияси уйғунлиги ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** ижод лабораторияси, ижодкор шахси, биографик метод, таржимаи ҳол, бадиий образ, характер, бадиий-эстетик биография, психологик тасвир.

## HARMONY OF PERSONALITY AND CREATIVE LABORATORY OF THE AUTHOR

**Nilufar Asatullayevna Dilmurodova**

Associate Professor of Tashkent Financial Institute

[nilu.01@mail.ru](mailto:nilu.01@mail.ru)

### ABSTRACT

This article tells about the connection of the life path, personality and creative laboratory of Asad Dilmurod, the author of stories, novels and novels written in the traditional and non-traditional way.

**Keywords:** creative laboratory, creative person, biographical method, biography, artistic image, character, artistic-aesthetic biography, psychological image.

### КИРИШ

Чинакам сўз санъати, аввало, жамият ва ҳаёт, инсон - ижодкор шахси, тафаккур ва кўнгил илми, бадиий маҳорат, малака ва истеъдод ҳамкорлиги натижасида туғилади; ижтимоийлик билан индивидуал унсурлар бирдамлигини ёқлаб, кенг маънодаги бадиий-эстетик ва фалсафий-эстетик манфаатни мўлжаллайди.

Умумжаҳон адабиёти тарихида жуда кўп ижодкорлар ижод оламидаги ўрни, асар ёзишга тайёргарлик, ҳаёт материалининг танланишини, ижодий иш жараёни, кўплаб ёзувчилар ўз ижод лабораторияси тўғрисида маъруза ва

суҳбатлар ўтказишганини, ижод олами ҳақида махсус асарлар қолдиришганини кўриш мумкин. Ижод лабораториясида образлар танланиши, тирик прототиплар, ҳаётини воқеалар асосидаги сюжетлардан бохабар бўлиш ҳар қандай тоифадаги китобхон учун қизиқ бўлиши табиий.

Ижодкор шахси ниҳоятда мураккаб тушунча. Ижодкор таржимаи ҳолини унинг ўзи яратган асарлари билан узвий боғлаб ўрганиш адабиётшуносликда масаланинг биз шу кунгача эътибор қилмаган жиҳатларини англашимизда муҳим восита вазифасини бажаради.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Биографик метод асосчиси Шарль Сент-Бёв: *“Ҳар қандай бадиий асар бу - сўзлаётган шахсдир, шахс ёки инсонни асаридан айро тушунмаслик керак”*, деб айтганидек ижодкор ҳаёти ва ички дунёсидаги изтироб ва кечинмалар унинг ҳар бир асарида из қолдириши аниқ [1].

Муаллиф шахсияти ва ижодий лаборатория уйғунлиги, бадиий ижод психологияси муаммолари жаҳон адабиётшунослигидаги етакчи масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбек адабиётшунослиги ҳам жаҳон адабиётшунослиги минбарига чиқиши учун тор қамровда бўлса-да, ижод лабораториясига доир масалалар ўрганилиши лозим. Тўғри, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Ўрол Носиров, Абдулла Шер, Нурбой Жабборов, Исломжон Ёқубов, Узоқ Жўрақулов, Баҳодир Каримов, Адиба Давлатова каби олимларнинг илмий асарларида ижод психологиясининг баъзи бир қирраларига дуч келамиз. Лекин бу миллий адабиётшунослигимиз учун етарли эмас. Ҳолбуки, ижодкорни оммадан ажратувчи хусусияти, муваффақият сирлари, мотивация ва илҳом манбалари, ўз асар ёзиш сабаблари, ижодкор ижод орқали жамиятга таъсири ҳамда ижодхона муҳити масаласи ҳар кимни қизиқтириши табиий. Тадқиқотнинг долзарблигини биографик ва мантиқий ёндашув билан ҳам асослашимиз мумкин, чунки бадиий асар изчиллигини таъминловчи ва воқеалар ривожини реал тарзда шакллантирувчи асосий омил мантиқийлик, унинг ижодкор лабораторияси билан уйғунлиги эса, биографик ёндашув орқали ойдинлашади. Мавзу шу жиҳатдан ўрганилади.

Айрим ўринларда, жаҳон адабиётшунослигидан олинган андозаларга мурожаат қилинган ва Ян Парандовскийнинг *“Сўз кимёси”*, Константин Паустовскийнинг *“Олтин гул”* каби асарлари қиёсий метод объектига қўйилган. Мазкур диссертация ишида ижоднинг сири, бадиий асарда муаллиф томонидан айтилиши лозим бўлган сўз кадри, ижод ва ижодкорга хос хусусиятлар ўрганилади.

Шарль Огюстен Сент-Бёв (1804-1869) биографик метод тамойиллари асосида ёзилган асарларида ёзувчи биографияси ва ижодини бир бутунликда талқин қилади. Унинг «Адабий портретлар, танқидий очерклар», «Жозеф Делорм ҳаёти, шеърлари ва фикрлари» номли илмий ишлари, бундан ташқари А.Моруанинг «Адабий портретлар», «Олимпиа ёки Виктор Гюго ҳаёти», «Оноре де Бальзак», Ян Парандовскийнинг «Сўз алкимёси», И.П.Эккерманнинг «Гёте билан суҳбатлар», Ф.Наркирьернинг «Андре Моруа», Ю.Боревнинг «Талқин ва баҳолаш санъати», В.С.Бахаровнинг «Адабий портретлар» каби тадқиқотлари ушбу масаланинг жаҳон адабиётшунослигида ўз ўрни ва аҳамияти юқорилигини кўрсатади. А.Т.Цейтлин, П.Медведов, Ю.Оклянский, Б.Мейлах, Т.А.Кузьминская, Л.М.Леонов, Б.А.Грифцов, М.Б.Храпченко ва Л.Толстойлар ҳам шу масалани турфа қирраларини тадқиқ этишган.

Инсон тафаккурининг ҳосиласи саналган чинакам санъат ва адабиёт дурдоналари буюк ижодкорлар томонидан яратилади. Шундай экан, бадиий ижодда муаллиф шахси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ижодкор сийратида мавжуд ижодий қиёфа билан инсоний қиёфанинг муштираклиги адабиётшуносликда илмий-назарий масала сифатида турли даражада ўрганилмоқда. Ижодкор шахси моҳиятида ижодий “мен” ва биографик “мен” тушунчаси мужассам. Ижодкор дунёни бошқалардан фарқли равишда ўзгача нигоҳ орқали кўради, ҳис қилади, унинг англам ва сезгилари оламни ўзгача идрок этади. Тарихий жараёндаги воқеликни ҳамма ўз дунёқарашига мос равишда англайди ва буни индивидуал ҳодиса сифатида талқин қилади. Бунда дунёқараш ва тафаккур қилиш бирламчи вазифани бажаради.

Инсонлар табиати бир хил бўлмаганидек, ижодкор шахсиятининг, руҳиятининг асарда акс этиши барча ёзувчиларда турлича намоён бўлади. Бу ҳолат унинг ижодий жараёнда бадиий асарга муносабатида ўзини намоён қилади. Ҳаёт ҳақиқати ижодкор қалбига кўчиб, унинг ҳис-туйғулари билан қоришиқ ҳолда юзага чиқади.

## НАТИЖАЛАР

Ижодкорнинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари унга муносабати билан уйғунлашиб, бадиий-эстетик моҳият касб этади. Ёзувчи ўзи тасвирлаётган оламда яшайди ва уни ижодий имкониятидан келиб чиққан ҳолда талқин қилади. Ижодкор шахсиятини ва лабораториясини Асад Дилмурод ижоди мисолида ўрганар эканмиз, аввало, унинг шахс сифатидаги хусусиятларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Дадам “Ёшлик” журналида эълон қилган мақоласида қуйидаги фикрларни баён этади: “...хаёл отида дунё кезиш, япроқ шитирлашидан ҳам ҳайратланиш, лов этиб ёнишу ўчиш, тез севинишу қайғуриш

каби одатларни йўргакда юктирган бўлсам керак. Кўпинча бирон бадий асар оҳанрабо си таъсирига тушиб қолардим ва турли азобларга йўлиққан бадий қаҳрамонлар ҳаётига аралашиб кетардим. Қайси вақт “Хўрланган ва ҳақоратланганлар” романини ўқиб йиғлаганим, неча кун ўзимга келолмай маънос юрганимни хотирласам, кўксим алланечук санчиб кўяди.

Ўша кезлар нима учун шундай ғалати кечир-мишларга чулғанганим сабабини тузукли билмасдим, аммо энди анча-мунча биламан, баркамол бадий сўз чинакам гўзаллик – эстетик қудрат бўлиб, биринчи навбатда, ақлу заковат эмас, қалб, рух ва сезгиларга таъсир кўрсатар экан...[2].

Бадий ижодни қисмат ҳисоблаб, ижод сурури ва нашидаси билан бахтини тўқис санайдиган ҳар бир кимса китоб олдида бурчли, камина бўйнида ҳам узиш қийин шундай қарз бор, агар ҳаётдан қайсидир даражада ўрнимни топиб, бирон қадам илгари босган бўлсам, бари шу содиқ дўсту ёр кўмагида амалга ошганини жону дилим билан эътироф этаман. Камина китоб асири эдим, биронтасини албатта ёстиғим остида қўйиб ётардим, ҳатто қизиқарли воқеа-ҳодисаларини тушларимда кўрардим, бир кўлимда кетмон, бирида ўроқ тутиб, вақт топсам-топмасам, кутубхонага чопганларим эсимда ва ҳамон ўзимни романтик тафсилотларга бой эртақлару дostonлар оламида, “Капитан Грант болалари”, “Бошсиз чавандоз”, “Гулливер саёҳатлари”, “Қоплон дара асирлари” каби жавоҳирлар уйғотган ажиб таассуротлар оғушида кўраман, демокчиманки, китоб бугун ҳам суягувчи кадрдон ҳамдамимдир”. Юқорида номлари келтирилган жаҳон адабиёти дурдоналари дадамнинг ёзувчи бўлишида замин ҳозирлаган бўлса ажаб эмас.

## МУҲОКАМА

Дадам билан қилинган суҳбатлардан бирига яна мурожаат қилайлик: ...“Самарқанд замини мен туғилган тупроқ. Менинг ўзлигим, ижодим ўша тупроқдаги муҳит билан боғлиқ. Тасаввуримда ҳар бир ёзувчининг ўзлиги, айниқса, унинг туйғулари барчаси у туғилган жой билан, ўша ерга қай даражада боғланиб қолганлиги билан белгиланади”. Бу фикрлардан адибнинг ўзлиги туғилган жойи, она ватанига садоқати билан ҳамоҳанг эканлиги англашилади. Ватанга, туғилиб ўсган она заминга муҳаббат руҳида тарбияланган ёзувчи Асад Дилмурод ҳаётда самимий, камтар, кенг мулоҳазали, эътиборли ва таъсирчан шахс эканлиги турли қаҳрамонларида ўз аксини топган. “Ёзувчи ижодини ҳаққоний талқин қилиш, баҳолашда ишонарли ҳасби ҳол, таржимаи ҳолнинг аҳамияти бекиёсдир”. Фикримизни ёзувчи ижодий лабораториясига мурожаат орқали таржимаи ҳолига эътибор қаратамиз: “Яқинда етмишга тўламан, ҳалигача қишлоғим, ўқиган мактабим кечагидай кўз ўнгимда туради. Қоратепа деб

номланган бу қишлоқ Ургут туманида жойлашган. Раҳматли онам исмлари Норбиби, отам Дилмурод халқ оғзаки ижодининг чексиз уммонига шўнғиган инсонлар эди. Менинг ёзувчи бўлишимга ҳам айнан отам айтган дostonлару, энамнинг ўланлари сабаб бўлган. Отам “Алпомиш”, “Гўрўғли” дostonларини жуда яхши кўриб бизга айтиб берарди. Дostonларни айтаркан, ўзлари ҳам шу даражада таъсирланардиларки, айниқса, “Кунтуғмиш”га навбат келганда йиғлардилар. Бу қироатхонлик қиш пайти сандал атрофида бўларди. Ўша пайтда нафақат отам, балки мен ҳам таъсирланиб билдириб-билдирмасдан йиғлардим, кўнглимдан нималардир кечарди ва улардан ўзимга нималардир олардим, нималардир юктирардим. Энам!.. Энам ўлан, лапар айтишни яхши кўрардилар”. Кўринадики, халқ оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд бўлиб ўсган адиб ўзининг ижодкор бўлиб етишиш илдизини болалиги билан, оилавий муҳит билан боғлайди. Паҳлавон Муҳаммад шахсига хос инсоний сифатлар – босиқлик, ҳалимлик, чексиз инсоний ғурур, Навоий шахсиятига хос олижаноблик, Маҳмуд Торобийга хос ватанпарварлик, матонат ва садоқат каби эзгу хислатлар Асад Дилмурод шахсияти билан чамбарчас боғлиқлигини айтиш мумкин. Ёзувчи яратган ҳар бир бадиий образи ижодкорнинг маънавияти, тафаккури, дунёқараши, шахсияти, руҳияти билан узвий боғлиқ [3].

Яратган қаҳрамонлари ҳақида сўз кетганда дадам қуйидагича фикрларни билдирганлар: “Ёзувчи асарини ютуқлари ва камчиликлари билан бирга кадрдон ва севиқли фарзанд санагани каби, барча яратган образларини ҳам қалбига яқин олади. Мен бу ҳақиқатни ўз тажрибамдан келиб чиқиб қайд этаман. Асосан турли жанрда битилган асарларимда ҳаракат қилувчи турли қиёфали ва феълу атворли образлар бариси қардошим: томирларида қоним оқади, кўксиларида юрагим гупиллаб уради. Ақлу идроки ичра тафаккурим, қарашларим қоришиб кетган. Ана шундай хусусиятга эга бўлган образларимдан бири “Шердор”даги Муҳаммад Аваздор. Доим уни ўзимга ўхшатаман ва уни ўзим, дейман. Негаки, ажиб романтик хаёлларга чўмиб юрган, ақлимдан кўнглим устун бўлган ёшлик давримда самимий поэтик тил билан ёзилган илк тарихий қиссам бош қаҳрамонидир. Уни ҳар ўқиганимда ўз аксимни қайта кўраман”. Асад Дилмуроднинг ҳам она юрти Самарқанд бўлгани, бу заминнинг ўтмиши доимо уни қизиқтиргани, ўзи ҳам ёшлигидан ҳунармандчилик, наққошлик ва ганҷкорлик сирларини ўрганганлиги, ранг-тасвир санъатига қизиқиши туфайли рассом бўлишга иштиёқи баланд бўлганлигини ҳам айтиб ўтади. Ёзувчи “мен”ининг бадиий асарда намоён бўлиши қиссининг бош қаҳрамони Муҳаммад Аваз образида, унинг касбга меҳри, қизиқишлари ва меҳнатсеварлиги каби хислатларида кўринган. Бу ҳолатга ўхшаш ҳолатни француз адибларидан Бальзак бадиий-эстетик биографиясини ёзган Андре Моруа тадқиқотларида ҳам

учратамиз. Жумладан, олим ёзувчининг “Горио ота” романидаги Растињак образи устида тўхталар экан, унга хос характери Бальзак ўзининг сифатларидан олганлигини мисоллар асосида далиллайди. Асад Дилмурод ҳам образларига хос жиҳатларни ўзлигидан келиб чиқиб бадиий талқин қилади.

“Ёшлигимда мен учувчи бўлишни орзу қилганман. Ундан ташқари рассомчилик ҳам мени ўзига тортган. Рассом бўлмадим, лекин рассомлар ҳаёти ҳақида жуда кўп асарлар ёздим. “Гирих”да, “Хаёл чўғланиши”да рассомлар бор. Айниқса, “Ранг ва меҳвар” бошидан охиригача рассомлар ҳақида. Булар бежизга эмас, албатта. Асарларимнинг деярли ҳаммасида ранглар ҳақида гап бор. Мана шу ранглар менинг сўзларим. Ёшлиқда қилинган орзулар қачондир юзага чиқади. У орзулар сизники, сизнинг мулкингиз ҳисобланади. Ҳаммаси юракнинг энг чуқур ерида сақланиб қолади. Ҳаётингиз давомида улар бирин-кетин ўзини кўрсатади. Омон Матжон билан кўп бирга юрганман. У киши айтарди: “Қайси ёзувчининг туйғулари сероб бўлса, узоқ ва самарали ижод қилади”. Демак, ўша ранглар туйғу сифатида менинг қаеримдадир яшаган”. Хотиралар – бу шунчаки айтилган гаплар эмас, уларда ижодкорга хос хислат яширин, унинг тарбиявий аҳамиятга эга фалсафий қарашлари жамулжам. Шу маънода, ёзувчи ўйлари ижодкор шахсиятини белгилашда муҳим ўринга эга.

...“Тарихий асар муаллифи, айни пайтда ҳам санъаткор, ҳам олим бўлиши талаб этилади. У пайти келса, тарихчи-олим билан ижодий рақобат қилиши, илмга номаълум бўлган факт ҳамда ҳодисаларни очиши, айниқса, бу факт ҳамда ҳодисаларнинг ички механизми, тафсилоти, сабаб, оқибатларини бадиий тадқиқ этиши, бу билан тарихнинг ҳали очилмаган баъзи нуқталарини тўлдириши мумкин”. Бош қаҳрамон ички кечинмалари кульминацияси сифатида Хумоюн Ўрда томонга кетаётган Амир Темур рўпарасидан чиққан бир харобазорга – Дабусия қалъасига дуч келиш тасвири эканлигини кўрамиз. Бу кутилмаган тасвир асарда қуйидагича акс этган: “Соҳибқирон Хумоюн ўрда йўлини кесиб чиқишни мўлжал қилди. Кўпикка ботган бедовни қичаб ҳайдаган чоғда, қайноқ кумликлар ва жимирлаётган сароб ичра ола байдок дўнгликлар кўринди, син солиб қараса, ёпирай, рўпарасида бир харобазор куйиб-ёниб, титилиб беун инграб ётибди. Дабусия! Ногаҳон томоғида шу сўз бодради, жировни тортиб, теварак атрофни маъюсланиб кузатаркан, беихтиёр ёқа ушлади”. Адиб бу психологик тасвир орқали характер яратиш билан биргаликда Дабусия ҳақидаги талқинни бадиийлик асосида ифодалаган. Асарнинг образлар тизимидаги ўзига хослик, характер яратишда ички кечинмаларнинг талқини бадииятини оширади. Ёзувчи бош қаҳрамон руҳиятини очиб беришда портрет, пейзаж каби композицион унсурлардан унумли фойдаланади. Масалан, “Соҳибқирон наздида кўклам ҳар йилгидан анча эрта, шошилиброқ ташриф буюрди, мушфиқ она

замин ҳам, жамики тирик жон ҳам қишки қиров юкидан барвақт қутилди. Чимилдикқа кирган ўн тўрт яшар келинчақдай яшнаб кетди бу олам! Гўё ҳар заррада, ҳар куртакча, ҳар кафт тупроқдан ҳар улкан қоягача дунё тобора ёшариб, чирой очиб бораётганидан огоҳ этаётир”. Ёзувчи соҳибқироннинг ҳар доим сафар олдидан руҳан тетик, кайфияти чоғ бўлиш ҳолати ғалаба нашидасига элтувчи йўл эканлигини бевосита табиат тасвири билан уйғун талқинларда намоён қилади. Шунингдек, адиб асарда ташқи шаклдан ички мазмунга, маъно-моҳиятга кира олиш, етакчи қаҳрамон ва унинг атрофидаги тарихий шахсларнинг руҳиятидаги эврилишларни шахсиятидан келиб чиқиб, ўзига хос ички ва ташқи қиёфалари билан ажралиб турадиган турфа дунёқарашга эга бўлган образлар галареясини вужудга келтирган. Асад Дилмурод шахсиятига кўра мажозийлик, ҳиссий тафаккур, халқона донишмандлик ва инсоний фазилат асослари сингдирилганлиги асарнинг диққат марказидаги тарихий шахс образини очиб беришга имкон берган.

“Ҳаёт ҳақиқатини бадиий образга айлантириш ижодкор қалбини бетиним ҳаракатга йўналтиради. Ижодий меҳнат, ҳордиқсиз кунлар, беором тунлар ижод жозибаси, завқи билан сармаст кечади. Қалбдаги қувончу ғурур, изтиробу қийналишлар яратилажак асарнинг қат-қатига сингиб кетади. Чиндан ҳам бадиий асар ижодкорнинг ўзини ҳаёт орқали англаши, кузатиши ва ифодалашидир”.

## ХУЛОСА

Хулоса ўринда айтиш мумкинки, бадиий асар ёзувчининг ижод жараёни давомида вояга етади, шаклланиб яхлитлик касб этади. Бадиий образни яратиш учун айнан инсон характериға хос жиҳатлар билан образни бойитиб, умумлаштириш жараёнида ёзувчи индивидуал хусусиятлари билан уйғун ҳолатда асар сюжетига сингади. Шунинг учун ёзувчи шахсияти бадиий талқинда ўзини намоён қилади. Асад Дилмурод яратган образлар характериға хос фазилатлар, улар руҳиятида ҳаётий зиддиятлар билан уйғунликда кечадиган тебранишлар муҳим эстетик аҳамият касб этади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Тўлаганова С. Ижодкор шахсияти ва бадиий қаҳрамон муаммоси. Филология фанлари доктори дисс. Т.: 2020.
2. Дилмурод А. “Ёшлик” журнали, 2010 йил, 10 (239)-сон.
3. Дилмурод А., Тўраева Д. // Тарихий меъёр ва эстетик масъулият // Ижод олами. 2018. – 3 сон.
4. Дилмурод А. Мезон буржи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.49 130

**REFERENCES****Диссертация**

1. Тўлаганова, С. (2020). Ижодкор шахсияти ва бадиий қаҳрамон муаммоси. Филология фанлари доктори дисс. Тошкент.

**Журнал**

2. Дилмурод, А. (2010). 10 (239)-сон. “Ёшлик” журнали.
3. Дилмурод, А., Тўраева, Д. (2018). 3-сон. Ижод олами. Тарихий меъёр ва эстетик масъулият.

**Китоб**

4. Дилмурод, А. (2009). – 446 б. Мезон буржи. – Т.: Ўзбекистон.